

**ИНТЕГРАЦИОН МЕЗОНЛАР АСОСИДА БЎЛАЖАК ТАРБИЯ ФАНИ  
ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ**

**Аширматова Мохигул Эсанали қизи**

*PROFI university (нодавлат ОТМ) Олий таълимдан кейинги таълим факультети мустақил изланувчиси, Педагогика ва психология кафедраси ўқитувчиси.*

**Аннотация:** Ушбу мақола, жаҳонда бўлажак тарбия фани ўқитувчиларидада коммуникатив компетентликни шакллантиришнинг интерфаол технологияларини ишлаб чиқиш, интегратив таълим муҳитини яратишнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, шу билан бирга дунёда интегратив таълим (*Blended Learning*) асосида бўлажак тарбия фани ўқитувчиларидада коммуникатив компетентликни шакллантириш масаласига доир илмий мунозаралар ва форумларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги муаллиф томонидан ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** жаҳон, бўлажак ўқитувчи, коммуникатив компетентлик, шакллантириш, интерфаол технологиялар, интегратив таълим, муҳит, педагогик механизмлар, такомиллаштириш, илмий мунозара, форум.

**Abstract:** *This article highlights the fact that special attention is being paid to the development of interactive technologies for the formation of communicative competence in future teachers, the improvement of pedagogical mechanisms for creating an integrative learning environment, and the organization of scientific discussions and forums on the issue of the formation of communicative competence in future teachers based on blended learning. attention is drawn by the author.*

**Key words:** *world, future teacher, communicative competence, formation, interactive technologies, integrative education, environment, pedagogical mechanisms, improvement, scientific discussion, forum.*

**Абстрактный:** В данной статье подчеркивается тот факт, что особое внимание уделяется развитию интерактивных технологий формирования коммуникативной компетентности у будущих учителей, совершенствованию педагогических механизмов создания интегративной среды обучения, организации научных дискуссий и

форумов по проблеме формирования коммуникативной компетентности будущих учителей на основе смешанного обучения.

**Ключевые слова:** мир, будущий учитель, коммуникативная компетентность, формирование, интерактивные технологии, интегративное образование, среда, педагогические механизмы, совершенствование, научная дискуссия, форум.

Жаҳонда бўлажак тарбия фани ўқитувчиларидада коммуникатив компетентликни шакллантиришнинг интерфаол технологияларини ишлаб чиқиш, интегратив таълим муҳитини яратишнинг педагогик механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга коммуникатив компетентликни шакллантириш асосида бўлажак тарбия фани ўқитувчилариданинг шахсий ва касбий ижтимоийлашувини таъминлашнинг ижтимоий-педагогик механизмларини такомиллаштиришга устувор аҳамият қаратилмоқда. Айниқса, коммуникатив компетентликни шакллантиришнинг лингвистик, социолингвистик ва прагматик компонентларини олий педагогик таълим мазмунига кенг татбиқ этиш, бўлажак тарбия фани ўқитувчиларидани самарали мулоқотга тайёрлаш тизимини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунёда интегратив таълим (Blended Learning) асосида бўлажак тарбия фани ўқитувчиларидада коммуникатив компетентликни шакллантириш масаласига доир илмий мунозаралар ва форумларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шундай экан, турли методлар ёрдамидаги тадқиқотлар натижаси ОТМ талабаларига нисбатан коммуникатив компетентлик тушунчасининг моҳиятини аниқлашга ёрдам берди. Бунда бўлажак тарбия фани ўқитувчилариданинг касбий мулоқотга тайёрлик даражаси тушунилади. Ушбу талаб уларда педагогик вазифаларни самарали бажарилишини таъминловчи коммуникатив компетенциялар ҳамда киришимлилик, рефлексия ва эмпатия каби шахс сифатлари шакланган бўлишини назарда тутди. Шунингдек, коммуникатив компетентлик ўзида когнитив, эмоционал ва хулқ-атворга оид компонентларни акс эттирувчи структураси ҳам аниқланди.

Ролли ўйин “Юлдузлар жанги”.

**Давомийлиги: 10 дақиқа.**

Гуруҳ иштирокчилари 4 гуруҳга бўлинади. Ўйин учун йўналтирувчи маълумотлар ва саволлар “Юлдузлар жанги” повер-поинт файлида келтирилади.

**Йўриқнома:** 4 та мақсадли гуруҳ масаласи муҳокама қилиниши лозим.

1 гуруҳ: ногиронлиги мавжуд инсонлар;

2 гуруҳ: гиёҳвандлар;

3 гуруҳ: ВИЧ инфекцияланган инсонлар;

4 гуруҳ: Фоҳишаликни касб қилган инсонлар.

Тренер иштирокчиларга юзланиб “Сизларнинг вазифангиз ҳар бир гуруҳ ўз ишида ўз мақсадли гуруҳидан келиб чиққан ҳолда қўйидаги саволлар бўйича фикр юритиб, уларни флипчартда акс эттиришингиз лозим” деб мурожаат этади:

- Жамият бу инсонларни қандай қабул қилади?
- Уларга нисбатан қандай муносабатда бўладилар?
- Жамиятда бундай инсонларнинг хулқ атворига қандай муносабатда бўладилар?
- Бундай инсонлар жамиятга ижобий таъсир кўрсата оладиларми?
- Жамият бундай инсонларга қурбонлар ёки агрессор сифатида муносабатда бўладими?
- Бундай инсонлар ўз оилалари, фарзандлари билан муносабатларида қандай муаммоларга дуч келадилар?
- Жамоатчилик бундай инсонларга нисбатан жамиятга салбий ёки ижобий таъсир кўрсатадиган шахс сифатида қарайдими?

Гуруҳ муҳокамасидан сўнг ҳар бир гуруҳ ўз иши натижаларининг тақдимотини қилади. Тақдимот давомида тренер гуруҳнинг белгиланган саволларга атрофлича жавоб берганликларига эътибор қаратиши лозим. Агарда гуруҳ жавоблари тўлиқ бўлмаса тренер иштирокчиларнинг қўшимча таклиф ва жавобларини сўраб, флипчартга бошқа ҳолатларни ҳам қўшиб рўйхатни тўлдиришларини сўрайди. Бунда тренер билдирилаётган қўшимча таклифларни шу гуруҳ ишлаган флипчартга ёзиб боради. Иштирокчиларнинг ўз тақдимотига ижодий ёндошишлари маъқулланади.

Ўйин якунида иштирокчиларга бир дақиқа сукут сақлаб, бўлиб ўтган жараёнга ўз шахсий муносабатларини ўйлаб олишларига имкон берилади. Сўнгра иштирокчиларнинг барчасига ўзларидан ролларини олиб ташлашлари таклиф этилади. Бунинг учун ҳар ким “Мен ногирон эмасман, мен соғлом ва ҳаётда ...ларга эришган Нодираман” қабилида ўз ютуқлари ва исмини айтиб, ролларни ечишлари лозим. Сўнгра иштирокчилар муҳокамага жалб этилади. Бунда қўйидаги саволлар бўйича иштирокчиларга мурожаат этилади:

- Рол ижросида ўзингизни қандай ҳис қилдингиз?
- Нима учун бундай инсонлар ўзларини ҳар доим сиз таърифлаганингиздек ҳис қиладилар?
- Бунга ким ёки нима сабабчи?
- Кимдодир салбий ҳис туйғулар сақланиб қолмадими? Нима учун?
- Ижтимоий иш нуқтаи назаридан бундай ҳолатга қандай муносабатда бўлишингиз лозим?
- Ҳакам ролида кимларни тасаввур қилдингиз?
- Ҳакамларга тақдим этилган маълумотлар ҳаққонийлигига эришиш учун нималарга эътибор бериш лозим?

**Тренерга эслатма:** албатта ҳар бир иштирокчига мазкур ўйинни ўтказаятганда қуйидагиларга риоя қилиш ва эътибор бериш кераклигини унутманг:

- Иштирокчиларнинг ўйин давомидаги ва ўйиндан сўнгги ҳис туйғуларини бошқаришининг муҳимлигини;
- Ўйин сўнггида ўзларидан ролларни ечишни;
- Фаол тарзда фикрларини билдиришга ундашни;
- Барча ҳолатни муҳокама қилиш жуда муҳимлигини;
- Тренер ўз вақтида иштирокчилар томонидан тренинг қоидаларини бузаятган ҳолатларига аралашиб тўхтатиши лозим.

Юлдузлар жанги антидискриминацион ролли ўйин. Бу ўйин бўлажак мутахассисларда касбий малака, кўникма ва билимларни оширади, шунингдек этик-профессиял кадриятларни шакллантиради. Бу компетенциялар эса бўлажак ўқитувчининг, мутахассиснинг ажралмас қисми ҳисобланади.

**“Елпиғич” технологияси.** Бу технология мураккаб ва кўп тармоқли бўлиб, муаммоли мавзуларни ўрганишга қаратилган. Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бундан мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида элементларда муҳокама этилади.

Масалан, ижобий ва салбий томонлари авзаллик ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

Бу интерфаол технология ўқувчиларга танқидий, таҳлилий ва аниқ мантиқий фикрлашларини муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, шунингдек уни ҳимоя қилишга имконият яратади. “Елпиғич” технологияси умумий мавзунинг айрим тармоқларини муҳокама қилувчи кичик гуруҳларнинг ҳар бир қатнашчининг ва умуман гуруҳнинг фаол

ишлашига қаратилган. “Елпиғич” технологияси мавзуни ўрганишнинг турли босқичларида:

бошида - ўз билимларини эркин фаоллаштириш;

мавзуни ўрганиш жараёнида – унинг асослари чўқур фаҳмлаш ва англаб етиш;

яқунлаш босқичида – олинган билимларни тартибга солишда қўлланилиши мумкин.

“Елпиғич” технологиясида учрайдиган асосий тушунчалар:

Аспект (нуқтаи назар ) билан предмет, ходиса, тушунча текширилади.

Афзаллик – бирор нарса билан қиёслашда устунлик, имтиёз.

Фазилат – ижобий сифат.

Нуқсон – номукаммалик, қоидаларга, меъзонларга номувофиқлик.

Хулоса – муайян бир фикрга, мантиқий қоидалар бўйича далилдан натижага келиш.

Таълимдан ташқари “Елпиғич” технологияси тарбиявий табиатдаги:

Жамоа гуруҳларда ишлаш маҳорати; муаммолар, вазиятларни турли нуқтаи назардан муҳокама қилиш маҳорати; ўзгалар фикрини ҳурмат қилиш; ҳушмуомалалик; ишга ижодий ёндашув; фаоллик; муаммога диққатни жамлай олиш маҳорати каби қатор сифатларни шакллантириш имконини ҳам беради.

Юқорида ҳамда қуйида келтирилган таълим технологиялари педагогик олий таълим муассасаларида талабаларни ижтимоий-гуманитар нуқтаи назардан тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш, бўлажак тарбия фани ўқитувчиларидада коммуникатив компетентлик шакланганлигининг махсус мезонлари, кўрсаткичлари ҳамда даражаларини аниқлаш ўта зарурлигини кўрсатди. Замонавий психолого-педагогик адабиётлар (Н.Н.Азизходжаева, Р.Х.Джураев, У.И.Иноятов, В.П.Беспалько, А.А.Бодаев, П.Я.Гальперин, Н.И.Загузов, О.Мусурманова, М.Куранов, А.Х.Мунаваров, С.В.Петрушин, В.А.Сластёнин, Н.Ф.Талызина, Н.М.Яковлева ва бошқа олимлар)да педагогик жараён натижаларининг самарадорлигини аниқлаш учун турлича метод ва ёндашувлар мавжуд. Бунинг асосида бўлажак ўқитувчининг касбий фаолияти компонентлари шакланганлигининг турли хусусиятлари аниқлаштирилган. Замонавий назария ва амалиётда “мезонларни ажратиш ва асослашга қўйиладиган умумий талаблар” мавжуд бўлиб, улар қуйидагича мазмун касб этади:

- “биринчидан, шахс шаклланишининг асосий қонунияти акс этиши лозим;

- иккинчидан, тадқиқ этилаётган муаммо компонентлари ўртасида алоқа ўрнатишга кўмаклашиш;

- учинчидан, сифат кўрсаткичлари миқдор кўрсаткичлари билан birlikда намоён бўлиши керак”.

Шунингдек, бўлажак тарбия фани ўқитувчилариданинг коммуникатив компетентликни шакллантириш самарали мулоқотда шахснинг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади. Мулоқот самарадорлигини ошириш учун мулоқот учун аҳамиятли бўлган шахс хусусиятларидан ташқари турли вазиятларда самарали ҳамкорлик фаолияти усуллари эгаллаш ҳам муҳим.

Мулоқотдаги шерикларнинг бир-бирини тушунишлари ва эмпатиясини тўлиқ таъминловчи мулоқот усуллари, услублари ва воситалари самарали мулоқот технологиялари деб аталади.

Масалан, “фаол тинглаш” технологияси асосида мулоқот самаралорлигини таъминловчи алоҳида коммуникатив кўникмалар қаторига қуйидагилар киради:

- диққатини нотикқа қарата жамлай олиши;

- маълумотнинг умумий мазмуни ҳамда айрим қисмларини тўғри тушунаётганлигини аниқлаш;

- олинган маълумотни суҳбатдошларига бошқача сўзлар билан етказа олиш;

- тинглаш давомида сўзловчи нутқини бўлмаслик, маслаҳат беришга, танқид қилишга уринмаслик, хулоса чиқармаслик, жавоб тайёрлашга чалғимаслик. Бу фаолиятни кейинроқ – сиз диққат марказида бўлганингизда қилиш мумкин – бунда сизни тинглашлари ва тушунушлари учун ҳаракат қилиш лозим.

- маълумотларни маълум кетма-кетликда баён этиш ва сиз томондан узатилаётган маълумотларни тингловчилар тўғри қабул қилганликларига ишонч ҳосил бўлмагунча янги маълумотларга ўтмаслик;

- мулоқот давомида ўзаро ишонч, ўзаро ҳурмат муҳити барқарор бўлишини таъминлаш, суҳбатдошга нисбатан эмпатия намоиш қилиш;

- мулоқотнинг новербал воситаларидан фойдаланиш.

Самарали баҳс олиб бориш, низо давомида ўзини тўғри тутиш, ўз ҳиссиётларини назорат қилиш, ғазабни бошқариш каби технологиялар мавжуд. Шахс хусусиятларини ривожлантириш ва коррекция қилиш,

коммуникатив қобилият ва кўникмаларни ривожлантириш учун низо давомида ўз ҳиссиётларини назорат қилишни ўрганишда аутотренинг ва ижтимоий-психологик тренингларнинг ўрни катта.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, мазкур технологиялар ҳам аудитория, ҳам аудиториядан ташқари машғулотлар учун мўлжалланган бўлиб, улардан ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш, тўғарак машғулотлари, турли семинар тренингларни ташкил этиш жараёнида, волонтерлик гуруҳлари фаолиятида самарали фойдаланиш мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. М.Т.Ахмедова Педагогик компетентлик (услубий қўлланма) -Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2018. - 80 бет.
2. М.Т.Ахмедова, N.Е.Ахмедова, М.Е.Аширматова Konfliktologiya (Darslik): "Grand kondor print" nashiryoti, Toshkent-2024 yil: - 164 bet.
3. Болотов В.А., Сериков В.В. Компетентностная модель: От идеи к образовательной программой. Педагогика. 2003. № 3.
4. Блинов В.И.Практическая подготовка будущих учителей: прогматика, преспективы. Москва. ИОО. МОНРФ. 2004.
5. Бермус А.Г. Проблемы и перспективы реализации компетентностного подхода в образовании. [www.eidos.ru](http://www.eidos.ru). 2005, 09, 1
6. Вдовина С.А. Профессионально педагогическая компетентность и ее структура. Халқаро илмий-амалий конференция. Перм – 2009.